

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АМАЛИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ  
ИЛМИЙ ВА ПЕДАГОГИКА СОСЛАРИ**

**Гўзал Қўчкаровна Саитқулова**

*Сирдарё вилояти Боевут тумани 2-сон касб-хунар мактаби директори*

**Бабаев Эсанбай Омонмуратович**

*Сирдарё вилояти Оқолтин тумани касб-хунар мактаби директори*

**Аннотация:** *Профессионал таълимда таълимнинг касбий йўналганлигини таъминлаш муаммоси битирувчиларнинг умумтаълим фанлари, махсус ва касбий фанлардан эгаллайдиган билимлари даражасига талабларни янада оширади. Касбий фаолиятда зарур бўладиган амалий билимлар ва тушунчаларни муваффақиятли ўзлаштириш профессионал таълимда амалга ошириладиган барча ўқув-тарбия ишлари билан узвий боғлиқдир. Ушбу мақолада профессионал таълим муассасаларида амалий таълимни ташкил этишни илмий ва педагогик асослари ҳақида сўз юритилган.*

**Таянч Сўзлар:** *Ёш авлод, жисмоний ва маънавий, баркамол, профессионал таълим, амалий таълим методлари, касбий кўникма ва малака, амалий машғулотлар, техник-технолог, касбий фаолият, таълим тизимидаги ижтимоий ҳамкорлик.*

Барчамизнинг эртанги кунимиз,  
бахтимиз бўлган ёш авлодимизни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган,  
ўз юртига садоқатли инсонлар этиб тарбиялаш доимо эътиборимиз марказида турадиган мисалдир. Ҳақиқатдан ҳам, кўзимизнинг нури, қалбимизнинг қўри бўлган фарзандларимизни ҳаётнинг ҳар қандай синов ва машаққатларига бардош бера оладиган, жисмоний ва маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялашдан ҳам муҳимроқ вазифа бўлиши мумкинми ўзи? Айниқса, профессионал таълимни, олий ўқув юр்தларини битириб чиқаётган, катта умид билан ҳаётга кириб келаётган ёшларни иш билан таъминлаш, ўз билим ва қобилиятини рўйбга чиқариш учун шароит яратиб бериш нафақат вазифамиз, балки бурчимиздир. Ш.М.Мирзиёев

Дастурда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўқув-услубий, маънавий-маърифий, таълим-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, ўқув жараёнига илғор педагогик тажриба ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, таълим муассасаларининг ўқув лаборатория базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш мақсадида қатор амалий тадбирлар белгиланди. Ҳеч шубҳасиз, бунда таълим соҳасидаги халқаро лойиҳалар тажрибаларидан

фойдаланиш яхши натижалар беради.

Касб-ҳунар мактабидаги амалий таълимнинг асосий вазифаси бўлажак кичики мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашдир. Касбий фаолиятга тайёрлаш жараёни бўлажак мутахассисларга билим бериш ва уларга касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат. Ҳар бир касб ўзига хос кўникма ва малакаларни эгаллашни талаб қилади. У ёки бу кўникма ва малакани шакллантириш учун амалий иш бажариш, такрор-такрор машқ қилишга тўғри келади. Тегишли топшириқларни бажариш, масала ечиш, ҳисоб-китоб қилиш, вазиятларни таҳлил этиш натижасида ўқувчиларда маълум амалий кўникма ва малакалар шаклланади. Касб-ҳунар мактабидаги амалий таълимнинг асоси амалий машғулотлардан иборат.

Амалий машғулот-бу ўқув жараёнини ташкил этиш шакли. Амалий машғулот жараёнида ўқувчилар ўқитувчининг раҳбарлигида ва берилган топшириқ асосида бир ёки бир нечта амалий ишни бажарадилар. Амалий машғулотнинг дитактик мақсади-ўқувчиларда касбий кўникмаларни, шунингдек келгусида ўқув фанларини мустақил ўрганишлари учун зарур бўладиган амалий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир.

Масалан, математика, физика, химия, техника фанлари бўйича ташкил этилган амалий машғулотларда ўқувчиларда мазкур фанларга оид масалаларни ечиш кўникмалари шакллантирилади. Улар бу кўникмалардан келгусида махсус фанлар бўйича касбий масалаларни ечишда фойдаланадилар. Чизмачилик бўйича ташкил этилган амалий машғулотларда ўқувчилар детал ва моделлар чизмасини чизиш кўникмаларини эгаллайдилар. Бу кўникмаларни улар махсус фанларни ўрганишда турли график топшириқларни бажаришда қўллайдилар.

Махсус ва касбий фанларни ўрганишда амалий машғулотлар алоҳида ўрин тутаяди. Чунки уларнинг мазмуни ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган. Амалий иш жараёнида ўқувчилар ўлчов асбоблари, аппаратлар, инструментлар, жиҳоз ва техник воситалар, меъёрий ҳужжатлар ва йўриқнома материаллари, маълумотномалардан фойдаланиш техник ҳужжатларни тузиш, чизмалар чизиш, схемалар, жадваллар тузиш, ҳар хил масалаларни ечиш, ҳисоблаш ишларини амалга ошириш, турли предметлар, ходисалар ва моддаларнинг хусусиятларини аниқлаш кўникмаларини эгаллаш лозим.

Касбий фаолиятга тайёрлашда ўқувчиларда таҳлил қилиш, лойиҳалаш, яратиш, ижодкорлик кўникмаларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун амалий машғулотларда ўқувчиларга жараёнлар, ходисалар, предметлар ҳолатини таҳлил қилиш, бўйича топшириқлар бериш мақсадга мувофиқ. Таҳлил натижаларига асосланиб, улар ўз фаолиятини лойиҳалаштиради, у ёки бу амалий масалаларни ечишнинг аниқ йўллари белгилайдилар. Амалий масалалар мазмунини белгилашда ўрта бўғин мутахассислари касбий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади.

А.Р.Ходжабоевнинг таъкидлашича, амалий метод дейилганда, ўқув

материалини машқлар, мустақил топшириқлар, амалий ва лаборатория ишлари асосида ўзлаштириш шакллари тушунилади. Ишлаб чиқариш таълимида бу методга иш усуллари, меҳнат операциялари, мажмуавий ишлари вазифаларни бажаришда мустақилликни ривожлантиришга қаратилган ишлари, машқ қурилмаларга оид машқлар, лаборатория-амалий ишларига эса технологик жараёнини бошқариш машқлари киради. Бирор ўқув фани бўйича амалий ишлар мазмунини танлашда айна фанни ўрганишда бўлажак мутахассисда шакллантириши лозим бўлган касбий кўникмалар рўйхатига таянилади. Мутахассиснинг малакавий характеристикаси касбий кўникмаларни шакллантиришда асос бўлиб хисобланади. Шунинг учун дастлаб мутахассиснинг малакавий характеристикалари ва ўқув фани мазмуни таҳлил этилади. Кейин айна ўқув фанини ўрганишда эгалланиши лозим бўлган кўникмалар аниқланади. Ўқувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган машғулотларда фаол методлар қўлланилади. Бундан асосий мақсад ўқувчиларга касбий фаолият усулларини ўргатишдир. Шунинг учун ўқувчиларга касбий фаолият усулларини ўрганишга имкон берувчи топшириқ ва масалалар берилди. Бу топшириқ ва масалаларни ечиш орқали ўқувчилар касбий фаолият усулларини эгаллайдилар. Касбий кўникма ва малакаларни ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида шакллантириш гўё осондек туюлади. Лекин тажрибалар кўрсатадики, бу ишни амалга ошириш анча қийин. Одатда, бирор ишчи касби бўйича ўқувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантиришда улар доимий равишда у ёки бу ишни бажарадилар. Лекин улар бирор мутахассис, масалан, техник-технолог учун зарур бўладиган касбий кўникмаларни эгаллашда муваффақиятга эриша олмаслиги мумкин. Чунки диплом олди амалиёти даврида ҳар бир ўқувчи учун комплект масалаларни ечиш имкони туғилавермайди. Ўқувчилар амалиёт жараёнида фақат ўзларининг “касбий вазифаси” дан келиб чиқган ҳолда топшириқларни бажарадилар. Амалиёт ўтаётган ўқувчи фақат техник-технолог, бригадир дублёри вазифасини бажаради ва ишлаб чиқариш цикли даврида улар нима иш қилишса, фақат ўша ишни такрорлайдилар. Демак, ишлаб чиқариш амалиёти даврида ўқувчи кўпинча айна вақтда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишларнигина бажаради, холос. Бундан кўринадики, амалий машғулотлар, курс лойиҳалари мақсадга йўналтирилган ҳолда комплекс ташкил этилиши лозим.

Машғулотда бўлажак мутахассис амалий фаолиятининг барча томонлари эътиборга олинсагина самарали натижага эришиши мумкин. Аммо бу иш аниқ ўқув предметларини ўқитиш билан узвий боғлиқ бўлади. Комплекс масалаларини ечиш асосида кўникмаларини шакллантириш предметлараро боғлиқликни тақозо этади. Шунинг учун амалий машғулотлар предметлараро боғлиқлик асосида ташкил этилиши керак. Ўқувчиларда техник ёки иқтисодий фикрлашни, ташкилотчилик кўникмаларини ривожлантириш учун шундай шарт-шароитлар яратилиши лозимки, бунда улар касбий фаолиятининг у ёки бу шакли билан бевосита шуғулланиб, “машқ қилишлотда бўлажак мутахассис амалий фаолиятининг барча томонлари эътиборга олинсагина самарали натижага эришиши мумкин. Аммо булади. Бундай методлар

қаторига қўйдагиларни киритиш мумкин: ишлаб чиқариш вазиятларини таҳлил этиш, ишлаб чиқариш ва зиддиятга оид масалаларни ечиш, тренажёрларда машқ қилиш, ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида амалий топшириқларни, виртуал лаборатория ишларини, иш ўйинлари ёки уларнинг элементларини бажариш ва бошқалар. Юқорида тилга олиб ўтилган методлардан ўқув жараёнида фойдаланиш ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиради, касбий фаолиятга қизиқишини оширади. Ўқувчиларни масалаларни ечишга ўргатиш методикаси изчиллик ва кетма-кетлик тамойилига амал қилишни талаб этади: шартларни тўла ва аниқ тушунтириш; масалани ечишда фойдаланиладиган билим ва тажрибаларни аниқлаштириш; масалани ечиш режасини тузиш. Амалий масалани ечиш тартиби қўйдагича бўлиши мумкин: 1. Нима берилганини (таҳлил этиладиган иш фаолият, жараён, ходиса, ҳатти-харакат моҳиятини) аниқлаш. 2. Ниманинг маълумлиги ва унинг масалани қай даражада ечишда ёрдам беришини билиш. 3. Масалани ечиш бўйича фаразларни илгари суриш. 4. Масалани ечиш методини танлаш. 5. Хатолардан огоҳ қилиш усулларини белгилаш. 6. Хулосалар ва таклифлар.

Амалий таълим методларидан фойдаланиш, биринчидан, ўқув материали мазмунини, иккинчидан, мутахассис касбий фаолиятини таҳлил этишни тақозо этади. Фақат ўқув материали мазмунини таҳлил этиш ва уни ўрганишда фаол методларни қўллаш имкониятини излаш, кўп ҳолларда бевосита касбий фаолият билан боғлиқ бўлмаган амалий иш ва топшириқларни ўйлаб топишга олиб келади. Бу жараёнда ўқитиш методини қўллаш асосий мақсадга айланиб қолади. Фақат мутахассис касбий фаолиятини таҳлил қилиш эса мутахассис ечадиган типик масалалар рўйхатини аниқлашга имкон беради, холос. Бироқ мазкур масаланинг ўқув жараёнидаги ўрнини аниқлашга бирданига эришиб бўлмайди. Чунки кўплаб типик ишлаб чиқариш масалалари комплекс характерга эга бўлиб, уларни ечишда предметлараро боғлиқлик нуқтаи назаридан ёндашмоқ керак. Аммо комплекс характерга эга бўлган типик масалаларни фақат биргина ўқув предмети миқёсида ечиб бўлмайди. Ўқув жараёнида комплекс характерга эга бўлган ишлаб чиқариш масалаларини умумий ва хусусий масалаларга ажратиш лозим. Бўлажак мутахассис нафақат хусусий, балки комплекс масалаларни ҳам еча билиши керак ва шунинг учун ҳам ўқув жараёнида уларга алоҳида ўрин ажратилади. Ўқув режаси ва дастурини ишлаб чиқувчилар мутахассис касбий фаолияти ва ўқув материали мазмунини таҳлил этадилар. таҳлил натижаларини ҳисобга олиб, ўқув режасига предметлар бўйича амалий топшириқларни, предметлараро практикумларни, ўқув жараёнини ташкил этиш шакли, сифатида эса ишбилармонлик ўйинларини, курс лойиҳаларини, ишлаб чиқариш амалиётининг ҳар хил шаклларини киритади. Ўқув дастурларини ишлаб чиқувчилар таҳлилларга асосланиб, дастурларга таълим жараёнида ўқувчи ҳар бир предмет бўйича эгаллаши лозим бўлган кўникмалар рўйхатини киритади.

Қўйида амалий машғулотни ўтказиш режасини келтириб ўтамыз.

Амалий машғулот режаси.

Фан: Машинасозлик.

Дарс тури: Амалий машғулот.

Мавзу: Машина деталларини тайёрлаш технолигияси.

Ўқитиш масадлари:

Таълимий: ўқувчиларнинг металл ва металл қирқувчи асбобларга оид назарий билимларини мустақамлаш ва уларда амалий кўникмаларини шакллантириш.

Тарбиявий: иш жойини ташкил этиш ва ўз фаолиятини натижаларини текшириш ҳамда таҳлил қилиш бўйича тушунчалар бериш. Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг техник фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, ўзларининг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётига оид топшириқларни мустақил бажаришга тайёрлаш.

Ажратилган вақт: 80 минут.

Ўтказиш жойи: ўқув устахонаси.

Ўқитиш усуллари: оғзаки, кўргазмали, амалий. Иш жойини жиҳозлаш: металллар, деталлар, металл қирқувчи асбоблар, чизмалар кўргазмали материаллар, машғулотнинг технологик харитаси, техника хавфсизлиги бўйича плакатлар, ҳисобот намунаси, топшириқ мазмуни.

Ишнинг мазмуни ва уни амалга ошириш тартиби: металл ва металл бўлакчаларини йиғиш, жамлаш, металл кесиш асбобларини ишга тайёрлаш, ростлаш ва ишлатиш, металлларни кесишга қўйиладиган техник талаблар ва техника хавфсизлиги қоидаларини ўрганиш, металлларни асбоблар ёрдамида кесиш, улардан кичик деталлар тайёрлаш (болт, гайка, шайба ва бошқалар), деталларни йўниш ва силлиқлаш, иш сифатини назорат қилиш. Амалий машғулот натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш: ўлчов натижаларини жадвалга ёзиш, металл ва деталлар ҳолати бўйича хулоса чиқариш, нуқсонлар ва уларнинг сабабларини изоҳлаш, нуқсонларни бартараф этиш бўйича тавсиялар.

Амалий машғулот натижасида эгалланган билимларни текшириб кўриш. Саволлар: Деталларни тайёрлашда қандай техник талаблар қўйилади? Тайёрланган деталлар сифати қандай аниқланади? Амалий топшириқлар мазмунини ўқувчиларда маълум кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилади. Ўқувчилар бундай топшириқларни амалий машғулотларда, синфдан ташқари мустақил иш сифатида, шунингдек дарсларда билимларини текшириб кўриш мақсадида бажаришлари мумкин. Кейинги йилларда олиб борилган педагогик кузатиш натижалари кўрсатадики, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим олган кўп ўқувчиларнинг касбий тайёргарлиги сифати анча паст. Албатта, ҳар қандай муаммонинг ўз сабаблари бўлади. Бизнинг назаримизда, ҳозирги вақтда таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг ўқув устахоналари ва таянч корхоналаридаги амалий тайёргарлигига жиддий эътибор қаратиши лозим. Бунинг учун эса 2012 йил 16-17 февралда “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш—мамалакатни барқарор таррақий эттириш ва модеренизация қилишнинг энг муҳим шарт” мавзуида бўлиб ўтган ҳалқаро конференцияда таъкидлаб ўтгандек, ўқитиш

мазмун-моҳиятини реал ҳаётий эҳтиёжларга максимал даражада яқинлаштириш керак. Ўқувчиларнинг амалий тайёргарлиги ҳолатини таҳлил этиш натижалари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида бўлажак кичик мутассисларнинг касбий тайёргарлигини ошириш билан боғлиқ қатор муаммоларнинг ҳал этилиши лозимлигини кўрсатади. Улар қаторига қуйдагиларни киритиш мумкин:

- таълим муассасалари ва корхоналар ўзаро муносабатларининг иқтисодий ва ҳуқуқий тамойилларини тўла ишлаб чиқиш (меёрий-ҳуқуқий база касбий тайёргарлик сифати ва самарадорлигини белгилаб берувчи омиллардан хисобланади);

- ҳар бир мактабнинг малакали кадрлар буюрмачилари-корхоналар билан яқин алоқасини йўлга қўйиш; - амалий машғулотларда энг замонавий жиҳозлар ва янги технологиялар, шунингдек уларга мос илмий-техник ҳужжатлардан фойдаланиш;- корхона ва ташкилотлар билан ўқувчилар амалиётини ўтказиш бўйича ўзаро фойдали шарномалар тузиш;- амалиёт вақтида ўқувчиларга замонавий технологияларни қисқа муддатларда ўргатиш;

- ишлаб чиқариш амалиётини бевосита ишлаб чиқариш корхоналари ёки ташкилотларга ўтказиш;

- ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида ўқувчиларни моддий рағбатлантириш;

- таълим муассасаларнинг ўқув ишлаб чиқариш базасини техник воситалар билан мунтазам таъминлаш ва такомиллаштириш;- корхоналарда ёш мутахассисларни ва юқори малакали мутахассисларни “устоз-шогирд”-тамойили асосида ишга қабул қилиш ва бошқалар.

Юқорида қайд этиб ўтилган мулоҳазаларда кўринадик, амалий таълимни жамиятдаги ҳозирги ижтимоий-иқтисодий талаблардан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш зарур. Бунда қуйдаги масалаларни назардан четда қолдирмаслик лозим:

- кадрлар тайёрлашга буюрмачилар, тадбиркор ва менежерларнинг “инсон капиталига” бўлган эътиборини кучайтириш; - нафақат янги технология ва техникалар, балки ишчи-ходимнинг потенциал имкониятидан максимал даражада фойдаланиш (бунда “инсон ресурслари” нинг сифати параметрлари биринчи ўринга чиқади; жуда тез бажариладиган ишларга қобилият, психофизиологик чидамлик, малакани юксак бўлиши, касбий тайёргарлик ва ўз вазифасига лойиқлик муҳим аҳамият касб этади); мутахассисларнинг касбий маҳоратини оширишга харажатларни кўпайтириш, янгиликларни амалда жорий этишда барча ходимларнинг доимий иштирок этишлари учун потенциал имконият яратиш;- амалда фойдаланилаётган технологиялар ва жиҳозларни қайта ўзгартириш, ишлаб чиқаришга сарфланадиган энергия ва ресурслар хажмини камайтириш, шунингдек экологик тоза чиқитсиз технонология, табиатни муҳофаза қилиш масалаларига эътибор бериш;- мутахассисларнинг касбий фаолиятига оид ахборотлар билан муунтазам таъминлаш;- ишлаб чиқариш жараёни иштирокчиларнинг муҳторияти ва мустақил фаолиятини таъминлаш (бу уларда тез ва мустақил қарорлар қабул қилишни талаб этади); - ҳозирги замон ишлаб чиқаришни, хўжалик ва ижтимоий тизимларни бошқаришнинг мураккаблигини эътиборга олиш. -

бундай ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларда касб-ҳунар таълими муассасалари олдида қатор муҳим масалаларни ҳал этиш вазифаси туради: - ўқувчиларни касбий фаолиятга амалий ва психологик тайёрлаш; - ижод қилишга, ўз имкониятларини намоён этишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида ўқув-тарбия жараёнида таълимнинг гуманистик, тарбиявий, ривожлантирувчи функцияларини амалга ошириш;- ўқув тарбия жараёнини таълимнинг ислоҳ қилишнинг моҳияти йўналишлари, мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этишилган кетувчи касб-ҳунар таълими тамойилларини жорий этиш; ижтимоий-педагогик муаммоларини ечишда ҳудудлар иқтисодиёти ва ишлаб чиқариш йўналишларининг ўзига хослигини эътиборга олиш; касб-ҳунар мактаблари ўқувчиларининг касбий тайёргарлиги ҳолатини ва унинг сифатини ошириш йўллари ўрганиш ва таҳлил этиш; - илғор педагогик тажрибани ўзлаштириш; ўқитишнинг амалиётга йўналтирилган янги технологияларини яратиш. Юқорида кўрсатиб ўтилган масалалар касб-ҳунар мактабларида амалий таълимни такомиллаштириш йўллари излашни тақозо этади. Бизнингча, улардан энг мақбули, бу аниқ-корхоналар учун ўқувчиларни мақсадли тайёрлаш, яъни корхона буюртмачиларга таълим соҳасида хизмат кўрсатишдир. Бунда айтилган бир вақтнинг ўзида ўқувчиларнинг касбий, интеллектуал, маданий ва ахлоқий жиҳатдан ривожланишга бўлган эҳтиёжи қаноатлантирилади. Корхона мутахассисларга талабгор ва айтилган вақтда буюртмачи ҳисобланади. У давлат таълим стандартлари талабларини аниқлаштиради, таълим стандартларига, мутахассислар тайёрлаш талабларига қўшимчалар (ҳудудий компонентлар) ни киритиш бўйича ўз таклифларини билдиради ва уларга амалга ошириш учун моддий-молиявий ёрдам кўрсатади. Бунда корхонанинг ўзи ўқувчи-мутахассисларни танлаб, кадрлар сиёсатини амалда жорий этиш имконига эга бўлади. Корхона ва касб-ҳунар мактабларининг ўзаро таъсирини биз ижтимоий ҳамкорлик сифатида қарашимиз мумкин. Ўқув жараёнини турли тарзда ташкил этиш ва маълум тадбирларни амалга ошириш асосида аниқ корхона учун кадрлар тайёрлашда қуйдагиларга эътибор қаратилади:- фанлар бўйича тузилган ўқув режа ва дастурининг танланган ва факультатив қисмини корхона хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартириш; корхонанинг реал йўналишлари бўйича диплом лойиҳалари ва курс ишларини бажариш;- барча турдаги ўқув амалиётини корхоналарда ўтказиш-мутахассислик ва ихтисослик фанларини ўқитишда корхонанинг етук мутахассислари ва йирик педагог олимларни ҳам жалб этиш; - зарур ҳолларда корхоналарда ўқув хоналари ва лаборатория ташкил этиш;- корхоналарда таълим муассасалари ўқитувчиларининг тажрибасини орттириш. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиёти самарадорлиги яратилган шарт-шароитларга боғлиқ. Энг биринчи навбатда, амалиётни аввалдан режалаштириш ва уни ўтказиш учун тайёргарлик ишларини олиб бориш керак. Ишлаб чиқариш амалиёти муваффақиятли ўтказишнинг бошқа шартлари ишлаб чиқариш базаси-корхона, ишлаб чиқариш бирлашмаси, акционерлик жамияти ва бошқаларни аввалдан танлаш (амалиётнинг бошланишидан тахминан бир ой

олдин). Албатта, бу муаммоларни ҳал этишда таълим муассасалари директорларининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарининг алоҳида ўрни бор. У амалиёт базасини энг замонавий техникалар билан жиҳозлаш, унда энг илғор технологияларни қўллаш, меҳнатни энг юксак даражада ташкил этиш, ишлаб чиқариш соҳасидаги ихтирочилик ва рационализаторлик тажрибаларидан кенг фойдаланиш керак.

### **ХУЛОСА**

Қилибайтганда, жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида таълимнинг касбий масалаларини ҳал этиш ижтимоий ҳамкорларнинг ўзаро таъсирига боғлиқ. Негаки юқори технологияли замонавий ишлаб чиқариш мутахассислар тайёрлашга мутлақо янги талаблар қўймоқда. Бу масалани касб-ҳунар таълими муассасалари ижтимоий ҳамкорларнинг иштирокисиз ҳал эта олмайди. Таълим тизимидаги ижтимоий ҳамкорлик малакали ишчилар ва мутахассислар тайёрлаш сифатини уларнинг рақобатбардошлигини ва сафарбарлигини кескин оширади. “Меҳнат бозори талабларига йўналтирилган ахборот-коммуникация соҳасида касбий таълим” лойиҳаси томонидан амалга оширилган ишлар ва тўпланган тажрибаларни ҳар томонлама ўрганиб, уларни бутун республикамиз миқёсида жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017
2. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор таррақий эттириш ва модеренизация қилишнинг энг муҳим шарт. Халқаро конференция материаллари. “Ўзбекистон”, 2012
3. А.Ходжабоев, И.Хусанов. Касбий фаолият методдолгияси. “Фан технология”, 2007.
4. О.А.Ҳамидов, “Амалий таълимни ташкил этиш” касб-ҳунар таълими илмий-услубий журнали 2015